

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БИРЛАШГАН ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ХУШВАҚТОВ ЖЎРАБЕК ҲАТАМОВИЧ

**ТАБИИЙ УРАНЛИ КВИНТА ЙИГИЛМАСИНИ 2, 4, 6 ВА 8 ГэВ
ЭНЕРГИЯЛИ ДЕЙТРОНЛАР ОҚИМИ БИЛАН НУРЛАНТИРИШДА
ҲОСИЛ БЎЛГАН ИККИЛАМЧИ НЕЙТРОНЛАРНИНГ ^{232}Th , ^{129}I ВА ^{127}I
ЯДРОЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи
техника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Хушвақтов Жўрабек Ҳатамович

Табиий уранли “КВИНТА” йиғилмасини 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантиришда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан ўзаро таъсирини ўрганиш 3

Хушвақтов Журабек Хатамович

Изучение взаимодействия вторичных нейтронов с ядрами ^{232}Th , ^{129}I , и ^{127}I на урановой сборке «КВИНТА», облучаемой дейтронами с энергией 2, 4, 6, и 8 ГэВ 23

Khushvaktov Jurabek Hatamovich

Study of secondary neutron interactions with ^{232}Th , ^{129}I , and ^{127}I nuclei at the uranium assembly QUINTA irradiated by 2, 4, 6, and 8 GeV deuterons 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БИРЛАШГАН ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ
ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ХУШВАҚТОВ ЖЎРАБЕК ҲАТАМОВИЧ

**ТАБИИЙ УРАНЛИ КВИНТА ЙИГИЛМАСИНИ 2, 4, 6 ВА 8 ГэВ
ЭНЕРГИЯЛИ ДЕЙТРОНЛАР ОҚИМИ БИЛАН НУРЛАНТИРИШДА
ҲОСИЛ БЎЛГАН ИККИЛАМЧИ НЕЙТРОНЛАРНИНГ ^{232}Th , ^{129}I ВА ^{127}I
ЯДРОЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи
техника**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. PhD/FM186 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ядро физикаси институти ва Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида (Дубна, Россия) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлдашев Бехзод Садиқович физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Расмий оппонентлар:	Мўминов Толиб Мусаевич физика-математика фанлари доктори, академик Киевская Анна Ивановна физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Курчатов Институти» Миллий тадқиқот маркази, А.И. Алиханов номидаги Экспериментал ва назарий физика институти, Москва, Россия

Диссертация химояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871)289-31-41; факс (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100214, Тошкент шаҳри Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871)289-31-19.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

М.Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Э.М. Турсунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бугунги кунда тезлатгич орқали бошқариладиган тизимлар (ADS) ядро чиқиндиларини трансмутация қилиш ва фойдаланилган ёқилғиларнинг радиоактив зарарини камайтириш учун истиқболли тизим сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаби, ташқи манба сифатида тезлатгичдан фойдаланишга асосланган критикости ҳолатида ишлаши билан боғлиқ. Ташқи манбанинг мавжудлиги, бундай тизимларга, минор-актинидлар ва узоқ яшовчи бўлиниш маҳсулотларини ёқиш ёки бошқа барқарор изотопларга айлантириш учун хавфсиз шароитни таъминлаган ҳолда, критикости ҳолатида ишлаш имконини беради. Табиий уран ва торий тезлаштиргич орқали бошқариладиган тизимлар учун асосий ёқилғи материали ҳисобланади.

Жаҳонда кўп йиллардан буён ^{232}Th дан ядро ёқилғиси сифатида фойдаланишга катта қизиқиш билан қаралади, чунки торий Ер қобиғида уранга нисбатан 3–5 баробар кўп. Торийли реактор, нейтрон ютилиши натижасида ҳосил бўладиган ва бўлинадиган ядро ^{233}U га парчаланадиган ^{233}Th ҳисобига ишлаши мумкин. Бироқ муаммо шундаки, бўлиниш реакцияларини давом эттириш учун етарли бўлмаган микдорда нейтронлар ҳосил бўлади, шунинг учун қўшимча ёқилғи – плутоний ёки бойитилган уран талаб этилади. Худди шундай ҳолат табиий уранда ҳам кузатилади. Охирги икки ўн йилликда Бирлашган ядро тадқиқотлари институтидаги (Дубна шаҳри) илмий-тадқиқотлар тезлатгичларга асосланган чуқур критикости ҳолатидаги тизимнинг асл концепциясини тадқиқ қилишга қаратилган. Торий ёки табиий уран ўзакли ядро релятивистик технологияси (ЯРТ), сезиларли тез нейтронлар улуши мавжуд бўлган парчаловчи нейтронлар майдони ёрдамида, ишлатилган ядро ёқилғисини трансмутация қилиш ва ядро энергияси ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

Республикамызда ядро технологияларини фанга ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, хавфсиз ядро энергетикаси ва радиоактив чиқиндиларни утилизация қилиш каби ядро фанининг устувор йўналишларига бағишланган фундаментал ва амалий тадқиқотларига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда фан тараққиёти учун аҳамиятли бўлган бундай фундаментал тадқиқот йўналишлари, ишланмалар ҳамда уларнинг амалиётга татбиқи, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида акс эттирилган.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 19 июлдаги ПФ-5484-сон “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустақкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, шу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёда тезлаткичлар орқали бошқариладиган критикости ядро тизимлари ва радиоактив чиқиндиларни трансмутация қилиш соҳасида кўплаб тадқиқот тажрибалари ўтказилган. Масалан, чехиялик (Адам И. ва бошқ.) ва россиялик (Пронских В.С., Солнишкин А.А., Цупко-Ситников В.М.) олимлар 0.66 ГэВ энергияли протонлар билан нурлантирилган оғир кўрғошин нишони “ГЕНЕРАТОР” (17 кг кўрғошин) да ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан таъсирлашувини ўрганишган. Навбатдаги илмий ишда чехиялик (Адам И., Катовский К.) ва россиялик (Кривопустов М.И., Солнишкин А.А., Цупко-Ситников В.М.) олимлар 0.7, 1, 1.5 ва 2 ГэВ энергияли протонлар билан нурлантирилган, атрофига табиий уранли цилиндрлар жойлаштирилган, оғир кўрғошин нишони “Энергия плюс трансмутация” (28.7 кг кўрғошин, 206.4 кг уран) да ^{129}I радионуклидини трансмутация қилиш имкониятини тадқиқ қилишган. Худди шу гуруҳ олимлари 1.6 ГэВ энергияли дейтронлар билан нурлантирилган “Энергия плюс трансмутация” нишонида ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th ядроси билан таъсирлашувини ўрганган.

Чехиялик (Адам И., Катовский К.), ҳиндистонлик (Бхатия Ч., Кумар В.), белорусиялик (Хильманович А.М., Марцинкевич Б.А., Жук И.В., Потапенко А.С.) ва россиялик (Пронских В.С., Солнишкин А.А., Тютюнников С.И., Цупко-Ситников В.М.) олимлар томонидан 2.33 ГэВ дейтронлар билан нурлантирилган кўрғошин-графит нишони “ГАММА-3” (34 кг кўрғошин, 1230 кг графит) да ^{232}Th ядросида (n,f), (n, γ) ва (n,2n) реакциялари тезлиги ўлчанган. Австралиялик олимлар (Хашеми-Нежад Р.С., Асквит Н.Л.) томонидан 1.6 ГэВ дейтронлар билан нурлантирилган “ГАММА-3” нишонида $^{232}\text{Th}(n,\gamma)$ ва $^{232}\text{Th}(n,f)$ реакциялар тезлиги ўлчанган.

2011 йилда илк бор 512 кг табиий урандан иборат “КВИНТА” критикости йиғилмаси билан тажрибалар ўтказилди. Аниқланишича юкорида кўрсатилган нишонларни нурлантиришда ҳосил бўлган нейтронларнинг энергетик спектри ва оқими, “КВИНТА” критикости йиғилмасидан бутунлай фарқ қилади, ҳамда юкорида санаб ўтилган тажрибаларда $^{127}\text{I}(n,xn)$ остона реакцияларидан фойдаланиб тез нейтронлар оқими аниқланмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бирлашган ядро тадқиқотлари

институти илмий-тадқиқотлар режасининг 02-1-1107-2011/2019 рақамли “Нуклотроннинг оғир ионлар оқимида амалий тадқиқотлар ва радиотерапия учун комплекс прототипини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш” (2011-2019) ва ЎзР ФА Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг ФА-Атех-2018-166 “ЎзР ФА ЯФИ НГ-150 нейтрон генератори базасида критикости реактори асосини ишлаб чиқиш” (2018-2020) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий уранли “КВИНТА” йиғилмасини БЯТИ Нуклотронида тезлаштирилган 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантиришда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан таъсирлашувидаги қолдиқ ядролар учун реакция тезлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тезлаштиргич орқали бошқариладиган тизимлар бўйича илгари бажарилган ва ҳозирги кунда амалга оширилаётган замонавий тадқиқот лойиҳаларни тавсифлаш;

парчаланиш (spallation) нишонини 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар билан нурлантириш бўйича илмий тажрибаларни ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш ишларини бажариш;

ярим ўтказгичли детекторлар ёрдамида гамма-спектрометрия усулидан фойдаланиб, нурлантирилган намуналарни ўлчаш ишларини амалга ошириш;

ўлчанган гамма спектрларни таҳлил қилиш, идентификация қилинган радионуклидлар учун реакция тезлигини аниқлаш;

Монте-Карло усули орқали моделлаштиришни ўрганиш ва ўлчанаётган намуналар ҳамда нишонда ҳосил бўлган изотоплар, бўлиниш реакциялари микдори, иккиламчи заррачалар оқимини аниқлаш учун ҳисоблашларни бажариш;

^{127}I намуналарида остона (n,xn) реакцияларидан фойдаланиб нейтронлар оқимини аниқлаш;

узоқ вақт яшовчи ^{129}I радионуклидини трансмутация қилиш имкониятини тажрибада баҳолаш;

олинган тажриба натижаларни Монте-Карло усули орқали моделлаштириш натижалари билан солиштириш.

Тадқиқот объекти сифатида табиий уранли “КВИНТА” йиғилмаси, торий ва йод намуналари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари, релятивистик дейтронларнинг ^{238}U ядроси билан таъсирлашуви ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда нейтрон активацион таҳлил, гамма-спектрометрия, Монте-Карло усули орқали моделлаштириш каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$^{127}\text{I}(n,xn)$ остона реакцияларидан фойдаланиб тез нейтронлар оқимини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

илк бор ^{127}I намуналарида остона (n,xn) реакцияларидан фойдаланиб 10-120 МэВ энергия оралиғидаги нейтронлар оқими аниқланган;

Монте-Карло моделлаштириши натижалари бўйича “КВИНТА” установакиси 298 та табиий уранли цилиндрларининг ҳар биридаги бўлиниш реакциялари микдори ҳақида батафсил маълумот олинган;

“КВИНТА” қурилмасида $^{129}\text{I}(n,\gamma)$ реакцияси орқали трансмутация қилиш имкониятини тажрибада баҳолаш учун, ҳосил бўлган ^{130}I массасининг ^{129}I массасига нисбати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор 298 та табиий уранли цилиндрлардан иборат бўлган чуқур критикости ҳолатидаги “КВИНТА” йиғилмасини 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантиш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилган;

активлаштирилган ^{232}Th , ^{129}I , ^{127}I намуналаридан чиқадиган гамма нурлар спектри таҳлил қилинди ва идентификация қилинган қолдиқ ядроларнинг ҳар бири учун ядро реакцияси тезлиги аниқланган;

^{232}Th намуналарида олинган тажриба натижалари моделлаштириш натижалари билан солиштирилган ҳамда қолдиқ ядролар ^{233}Pa , ^{231}Th ва ^{87}Kr , ^{88}Kr , ^{91}Sr , ^{92}Sr , ^{92}Y , ^{93}Y , ^{97}Zr , ^{99}Mo , ^{103}Ru , ^{105}Ru , ^{105}Rh , ^{115}Cd , ^{128}Sb , ^{132}Te , ^{131}I , ^{132}I , ^{133}I , ^{135}I , ^{135}Xe , ^{140}Ba , ^{142}La , ^{143}Ce каби бўлиниш реакцияси маҳсулотлари учун тажриба ва моделлаштириш натижаларининг мослиги топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг юқори сифатли тажрибаларда бажарилганлиги, ишончли ўлчаш ва тажриба натижаларига ишлов бериш усулларида фойдаланилганлиги, Монте-Карло моделлаштиришлари FLUKA, MCNPX-2.7, MARS-15 ва Geant4 каби замонавий дастурлардан фойдаланиб бажарилганлиги, тажрибада олинган натижаларнинг моделлаштириш натижалари билан мос келганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тез нейтронли реакторлар ва тезлаштиргич орқали бошқариладиган келажак тизимларида тез нейтронлар оқимини аниқлашда остона $^{127}\text{I}(n,xn)$ реакцияларидан фойдаланиб нейтронлар оқимини аниқлаш усулидан фойдаланиш имкони мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, узоқ вақт яшовчи ^{129}I радионуклидини трансмутация қилиш имкониятини тажрибада баҳолаш натижаларидан ва ^{233}Pa , ^{231}Th , ^{87}Kr , ^{88}Kr , ^{91}Sr , ^{92}Sr , ^{92}Y , ^{93}Y , ^{97}Zr , ^{99}Mo , ^{103}Ru , ^{105}Ru , ^{105}Rh , ^{115}Cd , ^{128}Sb , ^{132}Te , ^{131}I , ^{132}I , ^{133}I , ^{135}I , ^{135}Xe , ^{140}Ba , ^{142}La , ^{143}Ce каби қолдиқ ядроларнинг чиқишидан, радиоактив чиқиндиларни трансмутация қилиш учун қуриладиган, тезлатгич орқали бошқариладиган саноат тизимларини лойиҳалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий уранли “КВИНТА” йиғилмасини 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантиришда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган остона $^{127}\text{I}(n,xn)$ реакцияларидан фойдаланиб нейтронлар оқимини аниқлаш усули 10 МэВдан 120 МэВгача энергияли нейтронлар оқимини тажрибада аниқлаш учун “Энергия ва радиоактив чиқиндилар трансмутацияси” халқаро ҳамкорлик дастури доирасида (2012-2015) фойдаланилган. (Бирлашган ядро тадқиқотлари институти Юқори энергиялар физикаси лабораториясининг 2019-йил 5-мартдаги 100-26/83 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши Монте-Карло усули билан бажарилган моделлаштириш натижаларини текшириш имконини берган;

“КВИНТА” йиғилмасида ўлчанган $^{129}\text{I}(n,\gamma)^{130}\text{I}$ реакцияси тезлиги массив кўрғошин нишонини 660 МэВ энергияли протонлар оқими билан нурлантириш бўйича БЯТИ Фазотронидида ўтказилган тажрибаларда фойдаланилган (Бирлашган ядро тадқиқотлари институти Юқори энергиялар физикаси лабораториясининг 2019-йил 5-мартдаги 100-26/83 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши ^{129}I радионуклидини трансмутация қилиш имкониятини олдиндан баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр қилинган, шулардан 5 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, иккита илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тезлатгич орқали бошқариладиган тизимлар”** деб номланган биринчи бобида тезлатгич орқали бошқариладиган келажак тизимларининг радиоактив чиқиндилар трансмутацияси ва ташқи нейтронлар манбаининг интенсивлиги каби имконият ва муаммолари тавсифланган. Тезлатгич орқали бошқариладиган тизим (ADS), кинетик характеристикалари оддий (критик) ядро реакторларидан тубдан фарқ қилувчи, ташқи нейтронлар манбаи орқали бошқариладиган критикости ҳолатида ишлайдиган реактор ҳисобланади. Критик иш ҳолати бўлиниш реакцияси орқали нейтронлар ҳосил қилиш тезлиги ва системада нейтронларнинг йўқолиш тезлиги орасидаги нозик балансдан иборат ва бу икки катталиқ орасидаги баланснинг нисбатан кичик ўзгариши ҳам тизим қувватида катта ўзгаришга олиб келиши мумкин. Аксинча критикости ҳолатида ишлайдиган реактор ўз табиатига кўра ташқи нейтрон манбаидаги ёки критикости ҳолатидаги зона реактивлигининг ўзгаришларига чидамли.

Тезлатгич орқали бошқариладиган тизимдан оддий ядро реакторларида ишлатилган ёқилғи таркибида ҳосил бўлган оғир изотопларни хусусан актинидларни бартараф қилиш учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек тезлаштиргич орқали бошқариладиган тизимдан ^{99}Tc ва ^{129}I (ярим емирилиш даврлари мос ҳолда 213 минг ва 16 миллион йил) каби узок яшовчи бўлиниш маҳсулотларини бартараф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу изотоплар нейтронларни ютиб мос ҳолда жуда қисқа вақт яшовчи ^{100}Tc ва ^{130}I изотопларига, улар эса бетта-парчаланиш орқали барқарор ^{100}Ru ва ^{130}Xe изотопларга айланиши мумкин.

Диссертациянинг **“Монте-Карло усули билан моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида FLUKA ва Geant4 моделлаштириш кодларида фойдаланиладиган баъзи назарий ифодалашлар, адрон ва нуклонларнинг ўзаро таъсирлашув моделлари (Бертини ядро ичидаги каскадлар модели), иккилик каскад модели, INCL++ (the liège intranuclear cascade model) ва физик ўзаро таъсирларни параметрлаш (кичик энергияли нейтронлар таъсирлашуви) тавсифланган.


FLUKA протон ва электрон тезлаткичларида нишонгача бўлган ҳимоя қатламларини лойиҳалаштириш, калориметрия, активацион таҳлил, дозиметрия, детекторларни лойиҳалаштириш, тезлаткичлар орқали бошқариладиган тизимлар, космик нурлар, нейтрино физикаси, радиотерапия ва ҳ.к. каби кенг қўлланиш диапазонини қамраб олувчи, зарарчаларнинг

муҳитда кўчишини ва моддалар билан ўзаро таъсирлашувини ҳисоблаш учун универсал код ҳисобланади. FLUKA юқори аниқлик билан 60 га яқин турли заррачаларнинг жумладан 1 кэВ дан минг ТэВ гача энергияли фотонлар ва электронлар, 20 ТэВ гача энергияли нейтрино ва мюонлар, (FLUKA ни DPMJET код билан боғлаб 10 ПэВ гача) энергияли адронлар ва мос ҳолда барча антизаррачалар, иссиқ нейтронларгача нейтронлар ва оғир ионларнинг моддаларда кўчиши ва таъсирлашувини моделлаштириши мумкин. Дастур оптик фотонлар ва қутбланган фотонларнинг (масалан, синхротрон нурланишлари) ҳам кўчишини ҳисоблаши мумкин. Вақт бўйича эволюция ва нобарқарор ядролар чиқараётган нурланишларни кузатиш онлайн режимда бажарилиши мумкин. FLUKA Комбинаториал Геометрия (CG) пакетининг янги версиясидан фойдаланиб жуда мураккаб геометрик формаларни ҳам тайёрлаши мумкин. FLUKA CG пакети зарядланган заррачаларни (хатто электр ёки магнит майдонлар мавжудлигида ҳам) тўғри кузатиш учун кузатиш учун ишлаб чиқилган.

Geant4 заррачаларнинг моддалар орқали ўтишини моделлаштириш учун код ҳисобланади. У кузатиш, геометрия, физик моделлар ва хитларни (физик таъсирлашув вақтидаги оний тасвир) ўз ичига олган функцияларнинг тўлиқ мажмуасидан иборат. Ундаги физик жараёнлар кенг диапазонни қамраб олади шу жумладан электромагнетик, адроник ва оптик жараёнлар, кенг энергия диапазонидаги (баъзи ҳолларда 250 эВ дан ва айримларида ТэВ энергиягача кенгайтирилган) узоқ яшовчи заррачалар, материаллар ва элементларнинг катта тўпламини қамраб олган. Код фойдаланилаётган физик моделларни синаб кўриш, ҳамда мураккаб геометрик шаклларни тайёрлаш ва уларнинг турли дастурлар тўпламида қулай фойдаланишга мослашишини таъминлаш учун лойиҳалаштирилган ва тузилган. Код бутун дунё физиклар ва муҳандис-дастурчилар ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади. У объект-йўналтирилган технология ва дастурий таъминотдан фойдаланиб яратилган ва C++ дастурлаш тилида амалга оширилган. Код элементар заррачалар физикаси, ядро физикаси, тезлаткичларни лойиҳалаштириш, космик техника ва тиббиёт физикасидаги ҳисоблашларда фойдаланилади.


Диссертациянинг **“Табиий уранли йиғилма билан тажриба”** деб номланган учинчи бобда “КВИНТА” қурилмаси 6 ГэВ энергияли дейтронлар билан нурлантирилганда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг торий намуналари билан таъсирлашувини ўрганиш бўйича тажриба натижалари ва ушбу тажрибани FLUKA коди ёрдамида моделлаштириш натижалари келтирилган. Табиий уранли “КВИНТА” йиғилмасининг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган. Нурлантириш вақтида тўртта торий намуналари қурилманинг марказий ўқи бўйлаб жойлаштирилган ва шартли равишда 9Th , 10Th , 11Th ва 12Th каби белгиланган. Активлаштирилган намуналар чиқараётган гамма-квантлар спектрига ишлов берилган, таҳлил қилинган ва бунда юздан ортиқ ҳосил бўлган ядролар идентификация қилинган. Бу ядроларнинг ҳар бири учун реакция тезлиги аниқланган. Натижаларнинг кўрсатиши бўйича реакция реакция тезлигининг энг катта қиймати деярли барча қолдиқ ядролар учун

^{10}Th намунасига, энг кичик қиймати эса ^{12}Th намунасига тегишли. Идентификация қилинганлар орасида ^{233}Pa ядроси $^{232}\text{Th}(n,\gamma)^{233}\text{Th}$ (β^- decay, $T_{1/2}=22.3$ min.) \rightarrow ^{233}Pa (β^- decay, $T_{1/2}=26.967$ day \rightarrow ^{233}U) реакциясида ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ^{233}U массасининг ^{232}Th массасига нисбати ^9Th намунаси учун $1.39(4)\text{E-}12$ га, ^{10}Th учун $3.51(10)\text{E-}12$ га, ^{11}Th учун $2.39(8)\text{E-}12$ га ва ^{12}Th учун $1.48(4)\text{E-}12$ га тенг. Олинган тажриба натижалари FLUKA коди ёрдамида бажарилган Монте-Карло моделлаштириши натижалари билан солиштирилган. Реакция тезлигининг тажриба ва ҳисобланган қийматлари нисбати ^{233}Pa қолдиқ ядроси учун ^9Th намунасида $1.64(5)$ ни, ^{10}Th да $1.75(5)$ ни, ^{11}Th да $1.70(5)$ ни ва ^{12}Th да эса $1.78(5)$ ни ташкил қилади. Реакция тезлигининг тажриба ва ҳисобланган қийматлари нисбати ^{231}Th қолдиқ ядроси учун эса ^9Th намунасида $1.68(19)$ га, ^{10}Th да $1.95(7)$ га, ^{11}Th да $2.32(14)$ га ва ^{12}Th намунасида $2.50(18)$ га тенг. Кумулятив реакция тезлигининг тажриба ва ҳисобланган қийматлари нисбати ^{87}Kr , ^{88}Kr , ^{91}Sr , ^{92}Sr , ^{92}Y , ^{93}Y , ^{97}Zr , ^{103}Ru , ^{105}Ru , ^{105}Rh , ^{115}Cd , ^{128}Sb , ^{132}Te , ^{131}I , ^{132}I , ^{133}I , ^{135}I , ^{135}Xe , ^{140}Ba , ^{142}La , ^{143}Ce каби бўлиниш реакцияси қолдиқ ядролари учун $1.4 - 2.8$ ораликда, ^{96}Nb , ^{99}Mo , ^{113}Ag , ^{122}Sb , ^{124}Sb , ^{130}I , ^{135}Ce , ^{141}Ce каби бошқа қолдиқ ядролар учун эса $3.4 - 6.6$ ораликда ётади, тахминимизча бу нисбатлар юқори энергияли заррачалар билан бўлиниш реакцияларида изотопларнинг чиқишига боғлиқ. Бўлиниш реакцияси умумий тезлигининг тажриба ва ҳисобланган қийматлари нисбати ^9Th намунаси учун $2.69(39)$ ни, ^{10}Th учун $1.29(15)$ ни, ^{11}Th учун $1.78(19)$ ни ва ^{12}Th учун $1.87(21)$ ни ташкил қилади. Тажриба натижалари бўйича бўлиниш реакцияси $\text{R}(n,f)$ тезлигини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилган. 14 МэВ энергияли нейтронлар билан ^{232}Th ядросининг бўлиниш маҳсулотлари кумулятив чиқиши Y , TENDL-2011 ядро маълумотлари базасидан олинган. Қуйидаги ядролар учун: $^{85\text{m}}\text{Kr}$, ^{87}Kr , ^{88}Kr , ^{91}Sr , ^{92}Y , ^{92}Sr , ^{93}Y , ^{95}Zr , ^{96}Nb , ^{97}Zr , ^{129}Sb , ^{131}I , ^{132}Te , ^{132}I , ^{132}Cs , ^{133}I , ^{134}I , ^{135}I , ^{135}Xe , ^{140}Ba , ^{141}Ce , ^{142}La ва ^{143}Ce , бўлиниш маҳсулотлари R/Y нисбатининг ўртача қиймати ^9Th намунаси учун $5.57(80)\text{E-}26$ га, ^{10}Th учун $9.8(11)\text{E-}26$ га, ^{11}Th учун $6.91(73)\text{E-}26$ га ва ^{12}Th учун $3.50(39)\text{E-}26$ га тенг. Бу қийматлар ^{232}Th ядроси учун $\text{R}(n,f)$ бўлиниш реакцияси тезлигини ифодалайди.




1-расм. “КВИНТА” қурилмасининг умумий кўриниши

9Th, 10Th, 11Th ва 12Th намуналарида, моделлаштириш натижасида олинган, реакция тезлигининг ҳосил бўлган ядролар массаларига боғлиқлиги 2-расмда ядро/см³·дейтрон бирлигида кўрсатилган. 2-расмдан торий намуналарида бўғланиш реакцияси, фрагментация, бўлиниш реакцияси (кичик ва юқори энергияли заррачалар билан), парчаланиш реакцияси (spallation) ва квазиэластик реакциялар маҳсулотларини кўриш мумкин.



2-расм. 9Th, 10Th, 11Th ва 12Th намуналарида реакция тезлигининг ҳосил бўлган ядролар массасига боғлиқлиги


Торий намуналари учун иккиламчи нейтронларнинг иккинчи тартибли дифференциал флюенси 3-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турганидек нейтронлар флюенсиининг энг катта қиймати 10Th намунаси учун, энг кичик қиймати эса 10 МэВ дан кичик энергияларда 9Th ва 12Th намуналари учун, 10 МэВ дан катта энергияларда эса фақат 9Th намунаси учун нейтронлар флюенсиининг энг кичик қиймати.



3-расм. 9Th, 10Th, 11Th ва 12Th намуналари учун иккиламчи нейтронларнинг иккинчи тартибли дифференциал флюенси

Моделлаштириш натижаларида “КВИНТА” қурилмаси ҳар бир уран цилиндри учун бўлиниш реакциялари миқдори ҳақида батафсил маълумот олинган. Қурилмада битта 6 ГэВ энергияли дейтрон таъсирида содир бўладиган бўлиниш реакцияларининг тўлиқ сони 51.3 ни ташкил қилади, ундан 14.9 бўлиниш юқори энергияли заррачалар ($E > 20$ МэВ) билан содир бўлади. Юқори энергияли заррачалар ($E > 20$ МэВ) билан бўлинишлардан 0.34 бўлиниш дейтронлар билан, 1.7 бўлиниш протонлар билан, 11.3 бўлиниш нейтронлар билан, 0.37 бўлиниш мусбат пионлар билан ва 1.22 бўлиниш манфий пионлар билан содир бўлади. Қурилманинг биринчи секциясидаги бўлиниш реакциялари тўлиқ сони 2.7 ни, иккинчи секциясида 16.4 ни, учинчи секциясида 16.0 ни, тўртинчи секциясида 10.7 ни ва бешинчи секциясида 5.6 ни ташкил қилади. Юқори энергияли заррачалар ($E > 20$ МэВ) билан бўлиниш реакциялари сони биринчи секцияда 0.52 га, иккинчи секцияда 4.96 га, учинчи секцияда 4.66 га, тўртинчи секцияда 3.08 га ва бешинчи секцияда 1.72 га тенг.

Диссертациянинг **“Қўрғошин ҳимоя ичига жойлаштирилган табиий уранли йиғилма билан тажрибалар”** деб номланган тўртинчи бобида Нуклотрон тезлаткичида тезлаштирилган 2, 4 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан “КВИНТА” йиғилмасини нурлантиришда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан ўзаро таъсирлашувини ўрганиш жараёнида олинган тажриба натижалари ва уларни ҳисоблашлар билан солиштиришлар кўрсатилган. Энергия ва радиоактив чиқиндилар трансмутацияси коллаборациясида ишлаб чиқилган “КВИНТА” қурилмаси тезлаткичлар орқали бошқариладиган тизимларнинг радиоактив материалларни трансмутация қилиш, ҳамда парчаланиш (spallation) ва бўлиниш реакцияларига алоқадор турли фундаментал жиҳатларини ўрганиш учун фойдаланилган. Қўрғошин ҳимоя ичига жойлаштирилган табиий уранли “КВИНТА” йиғилмаси 4-расмда кўрсатилган. Илмий тажрибалар вақтида ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I намуналари установканинг чап томонидаги дарча ичига жойлаштирилган. Активлаштирилган ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I намуналари чиқараётган гамма нурлар спектрига ишлов берилган, таҳлил қилинган ва бунда бир неча ўнлаб ҳосил бўлган ядролар идентификация қилинган. Бу ядроларнинг ҳар бири учун нейтронлар келтириб чиқарувчи реакциялар тезлиги аниқланган. Натижаларнинг кўрсатишича, дейтронлар энергиясининг ортиши билан барча ҳосил бўлган ядролар учун реакция тезлигининг қиймати ҳам ортади. Афтидан бу ўсиш дейтронлар энергияси ортганда иккиламчи нейтронлар оқимининг ортиши билан боғлиқ.




4-расм. “КВИНТА” қурилмасининг умумий кўриниши, бу ерда 1 – намуналарни жойлаштириб нурлантириш учун дарча, 2 – уран йиғилмаси секциялари орасига намуналарни ўрнатиш ва олиш учун туйнуқлар, 3 – йиғилманинг кўрғошин қопқоғи, 4 – кўрғошин химояси, 5 – дейтронлар оқими кириши учун 15x15-см² юзали дарча

Нейтронлар флюенсини (Calc.2) ҳисоблаш MCNPX-2.7 коди билан INCL4 (ядро ичидаги каскадлар модели) ва ABLA (буғланиш-бўлиниш модели) моделларидан фойдаланиб бажарилган. ²³²Th ядросида (n,γ) реакция учун реакция кесимлари TALYS1.6 дастури билан ҳисобланган, (n,бўлиниш) учун эса реакция кесимлари TENDL-2009 ядро маълумотлари базасидан олинган. 20 МэВ энергиягача ¹²⁹I ядросида (n,γ), (n,4n) ва (n,6n) реакциялар учун реакция кесимлари ENDF/B-VII базасидан олинган, 20 дан 1000 МэВ энергиягача эса TALYS1.6 дастури билан ҳисобланган. Шунингдек 20 МэВ энергиягача ¹²⁷I ядросида (n,γ), (n,2n) ва (n,4n) реакциялар учун кесимлар ҳам ENDF/B-VII ядро маълумотлари базасидан олинган, 20 дан 1000 МэВ энергиягача TALYS1.6 дастури ёрдамида ҳисобланган.

Олинган тажриба натижалари орқали R(n,f) бўлиниш реакцияси тезлигини ҳисоблашда қуйидаги ядролардан фойдаланилган: ^{85m}Kr, ⁸⁷Kr, ⁸⁸Kr, ^{91m}Y, ⁹¹Sr, ⁹²Y, ⁹²Sr, ⁹³Y, ⁹⁷Nb, ⁹⁷Zr, ¹³³I, ¹³⁴I, ¹³⁵I, ¹³⁵Xe, ¹³⁸Cs, ¹⁴²La ва ¹⁴³Ce. ²³²Th ядроси учун бўлиниш реакцияси тезлиги R(n,f) 2 ГэВ энергияда 0.59(3)E-27 ни, 4 ГэВ да 1.36(4)E-27 ни ва 8 ГэВ да эса 2.89(12)E-27 ни ташкил қилади. 5-расмда (n,γ) ва (n,f) бўлиниш реакциялари тезлигининг дейтронлар энергиясига боғлиқлиги бўйича тажриба ҳамда Calc.1 (MARS) ва Calc.2 (MCNPX) ҳисоблашлар натижалари кўрсатилган. Иккала ҳолатда ҳам дейтронлар энергияси ортиши билан реакция тезлиги қийматининг чизиқли ўсиши кузатилган. Турли энергияли нейтронлар учун (n,γ)/(n,f) нисбат 2 ГэВ да 15.5(23) ни, 4 ГэВ да 13.1(20) ни ва 8 ГэВ да 14.9(22) ни ташкил қилади. Бу

нисбатларнинг (Calc.2.) ҳисобланган қийматлари эса 12.3 (2 ГэВ), 12.2 (4 ГэВ) ва 11.2 (8 ГэВ) ларга тенг.



5-расм. а) иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th ядроси билан ўзаро таъсирлашувида (n, γ) реакцияси тезлигининг дейтронлар энергиясига боғлиқлиги бўйича тажриба ва ҳисоблаш натижаларини солиштириш (2 ва 4 ГэВ да ҳисоблаш натижалари тажриба натижалари билан тўсиб қолинган); б) иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th ядроси билан ўзаро таъсирлашувида (n,f) бўлиниш реакцияси тезлигининг дейтронлар энергиясига боғлиқлиги бўйича тажриба ва ҳисоблаш натижаларини солиштириш (4 ГэВ да Calc.1 ҳисоблаш натижаси тажриба натижаси билан тўсиб қолинган)

^{129}I намуналарида ^{127}I барқарор изотопидан аралашма мавжуд. Ҳосил бўладиган реакциялар маҳсулотларида ^{127}I ядросининг улушини топиш учун ^{129}I намуналари тоза ^{127}I намуналари билан биргаликда нурлантирилган. ^{129}I намунасида идентификация қилинган қолдиқ ядролар орасида ^{22}Na бир вақтда қуйидаги иккита реакцияда ҳосил бўлади: $^{27}\text{Al}(n,\alpha 2n)^{22}\text{Na}$ ($E_{\text{thr}}=23.35$ МэВ) ва $^{23}\text{Na}(n,2n)^{22}\text{Na}$ ($E_{\text{thr}}=12.96$ МэВ). Шунингдек ^{24}Na ҳам $^{27}\text{Al}(n,\alpha)^{24}\text{Na}$ ($E_{\text{thr}}=3.25$ МэВ) ва $^{23}\text{Na}(n,\gamma)^{24}\text{Na}$ реакцияларида ҳосил бўлади. ^{24}Na нинг (n, γ) реакциясида ҳосил бўлган улуши 2 ГэВ энергияли дейтронлар билан тадрибада 2.1% ни, 4 ГэВ да 0.9% ни ва 8 ГэВ да 0.6% ни ташкил қилади. ^{22}Na ва ^{24}Na изотоплари, намунада ^{27}Al изотопининг миқдори кўплиги сабабли асосан ундан ҳосил бўлади. ^{24}Na изотопининг ^{23}Na дан ҳосил бўлган улуши ^{127}I намунасида ҳосил бўлган ^{24}Na изотопи учун реакция тезлигининг қийматидан фойдаланиб ҳисобланган. Тахминимизга кўра ^{82}Br изотопи $^{81}\text{Br}(n,\gamma)^{82}\text{Br}$ реакциясида ҳосил бўлади яъни ^{129}I намунаси таркибида ^{81}Br изотопидан аралашма мавжуд. Ҳисоблашимиз (Calc.2) бўйича ^{129}I намунасида таркибида ^{81}Br изотопининг миқдори 1.5(5)% дан кичик. ^{82}Br изотопи ^{127}I намунасида кузатилмади. ^{123}I , ^{124}I ва ^{126}I изотоплари мос ҳолда (n,7n), (n,6n) ва (n,4n) реакцияларининг маҳсулотлари ҳисобланади. ^{130}I изотопи эса (n, γ) реакцияси маҳсулоти ҳисобланади.

^{127}I намунасида идентификация қилинган қолдиқ ядролар орасида ^{22}Na ва ^{24}Na изотоплари ^{23}Na ядросида (n,2n) ва (n, γ) реакцияларида ҳосил бўлади.

^{118m}Sb , ^{120m}Sb ва ^{122}Sb изотоплари мос ҳолда $(n,\alpha 6n)$ ($E_{\text{thr}}=44.11$ МэВ), $(n,\alpha 4n)$ ($E_{\text{thr}}=27.42$ МэВ) ва $(n,\alpha 2n)$ ($E_{\text{thr}}=11.23$ МэВ) реакцияларининг маҳсулотлари ҳисобланади. ^{119}Te , ^{121}Te ва ^{123m}Te радионуклидлари мос ҳолда $(n,t6n)$ ($E_{\text{thr}}=57.56$ МэВ), $(n,t4n)$ ($E_{\text{thr}}=39.92$ МэВ) ва $(n,t2n)$ ($E_{\text{thr}}=23.01$ МэВ) реакцияларида ҳосил бўлади. ^{120}I , ^{121}I , ^{123}I , ^{124}I ва ^{126}I изотоплари эса мос ҳолда $(n,8n)$ ($E_{\text{thr}}=62.18$ МэВ), $(n,7n)$ ($E_{\text{thr}}=51.53$ МэВ), $(n,5n)$ ($E_{\text{thr}}=33.59$ МэВ), $(n,4n)$ ($E_{\text{thr}}=26.04$ МэВ) ва $(n,2n)$ ($E_{\text{thr}}=9.22$ МэВ) реакциялари маҳсулотлари ҳисобланади. ^{128}I изотопи (n,γ) реакция яъни нейтрон ютилиши натижасида ҳосил бўлади. 1-жадвалда ^{127}I ва ^{129}I намуналари учун тажриба ва ҳисоблашлар (Calc.1 ва Calc.2) натижаларини солиштиришнинг айрим қийматлари келтирилган.

1-жадвал


^{127}I ва ^{129}I намуналари учун тажриба ва ҳисоблашлар натижаларини солиштириш

Nuclear reactions on ^{127}I and ^{129}I samples	2 GeV		4 GeV		8 GeV	
	Exp/Calc.1	Exp/Calc.2	Exp/Calc.1	Exp/Calc.2	Exp/Calc.1	Exp/Calc.2
$^{127}\text{I}(n,\gamma)^{128}\text{I}$		0.45(2)		0.59(2)		0.68(3)
$^{127}\text{I}(n,2n)^{126}\text{I}$	0.99(3)	0.59(2)	0.88(2)	0.59(2)	0.72(2)	0.54(2)
$^{127}\text{I}(n,4n)^{124}\text{I}$	1.17(5)	0.68(3)	1.00(8)	0.71(6)	0.90(5)	0.71(4)
$^{129}\text{I}(n,\gamma)^{130}\text{I}$		0.50(1)		0.58(1)		0.57(1)
$^{129}\text{I}(n,4n)^{126}\text{I}$	1.44(5)	0.73(3)	2.27(6)	1.48(4)	1.63(9)	1.23(7)
$^{129}\text{I}(n,6n)^{124}\text{I}$	1.98(20)	0.79(8)	2.38(17)	1.29(9)	1.35(24)	0.80(14)

Нейтронлар флюенсини тажрибада аниқлаш учун реакция тезликларининг тажриба қийматининг 80% дан фойдаланилди, чунки ҳисоблаш (Calc.2) натижаларининг кўрсатишича, ΔE энергия оралиғидаги нейтронлар йиғинди реакция тезлигига 80(5)% улуш беради. Нейтронлар флюенси (1) тенгламани ечиш орқали топилади. ΔE энергия оралиғи учун реакция кесимларининг ўртачалаштирилган қиймати TALYS1.6 дастури билан бажарилган ҳисоблаш натижаларидан олинган.

$$R(A_r, Z_r) = \int_{E_{\text{thr}}(A_r, Z_r)}^{E_{\text{max}}} \sigma(A_r, Z_r, E_n) \varphi(E_n) dE_n \quad (1)$$

бу ерда $\sigma(A_r, Z_r, E_n)$ реакция кесими ва $\varphi(E_n)$ нейтронлар флюенси. 6-расмда 10-120 МэВ энергия оралиғи учун ^{127}I намунасидаги нейтронлар флюенси кўрсатилган. Флюенс $^{127}\text{I}(n,xn)$ реакциялари бўйича тажриба натижалардан фойдаланиб аниқланган ва MCNPX-2.7 коди ёрдамида моделлаштириш натижалари билан солиштирилган.



6-расм. Нейтронлар флюенсининг тажрибада аниқланган ва ҳисобланган (MCNPX-2.7) қийматлари

^{129}I радионуклидини $^{129}\text{I}(n,\gamma)$ реакцияси ёрдамида трансмутация қилиш имкониятини тажрибада баҳолаш учун ҳосил бўлган ^{130}I изотопининг ^{129}I га нисбатини аниқладик. Бу нисбат ҳозирги илмий тажрибалар ҳолатида 2 ГэВ энергияли дейтронлар билан $1.40(3)\text{E}-13$ ни, 4 ГэВ да $2.94(6)\text{E}-13$ ни ва 8 ГэВ да эса $1.69(4)\text{E}-13$ ни ташкил қилади. Дейтронлар оқимининг интенсивлиги 2 ГэВ да $1.29(3)\text{E}+09$ ни, 4 ГэВ да $7.81(24)\text{E}+08$ ни ва 8 ГэВ да $1.51(7)\text{E}+08$ дейтрон/с ни ташкил қилади. Агар трансмутация миқдорини 10 мА ток ва 30 кун давомида нурлантириш ҳолатига ҳисобласак, 2 ГэВ да $0.082(2)\%$ га, 4 ГэВ да $0.190(4)\%$ га ва 8 ГэВ да $0.330(7)\%$ га тенг. Бу ҳисоблашлар катта ток ва кўп нурлантириш вақтлари учун трансмутация қилиш даражасини баҳолаш имконини беради. Ҳисоблашлар (Calc.1) ва тажриба натижалари бўйича дейтронларнинг учала энергиясида (2, 4, 8 ГэВ) ҳам ^{129}I изотопида содир бўладиган барча реакцияларнинг асосий 90(5)% қисмини (n, γ) реакцияси ташкил қилади.

Иловаларда ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I намуналарида ҳосил бўлган қолдиқ ядролар учун реакция тезлигининг тажрибада олинган кумулятив қийматлари жадвалларда келтирилган.

ХУЛОСА

“Табиий уранли “КВИНТА” йиғилмасини 2, 4, 6 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантиришда ҳосил бўлган иккиламчи нейтронларнинг ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I ядролари билан ўзаро таъсирини ўрганиш” мавзусидаги физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Илк бор табиий уранли йиғилма 6 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантирилган. Торий намуналари йиғилмада ҳосил бўлган иккиламчи нейтронлар билан нурлантирилган. Олинган тажриба натижалари FLUKA коди ёрдамида моделлаштириш натижалари билан солиштирилган. Бунда ^{233}Pa ва ^{231}Th қолдиқ ядролар, ҳамда ^{87}Kr , ^{88}Kr , ^{91}Sr , ^{92}Sr , ^{92}Y , ^{93}Y , ^{97}Zr , ^{99}Mo , ^{103}Ru , ^{105}Ru , ^{105}Rh , ^{115}Cd , ^{128}Sb , ^{132}Te , ^{131}I , ^{132}I , ^{133}I , ^{135}I , ^{135}Xe , ^{140}Ba , ^{142}La , ^{143}Ce каби бир қанча бўлиниш реакциялари маҳсулотлари учун тажриба ва ҳисоблашлар натижаларининг мос келишлиги топилган. Бўлиниш реакциясининг бошқа маҳсулотлари учун кумулятив реакция тезлигининг тажриба ва ҳисоблаш қийматлари нисбати 3 дан катта. Тахминимизча, бу фарқлар юқори энергияли заррачалар билан содир бўладиган бўлиниш реакцияларида изотопларнинг чиқиши билан боғлиқ. Торий намуналари учун умумий бўлиниш реакцияси тезлигининг тажриба ва ҳисоблаш қийматлари нисбати 1.29-2.69 оралиқда жойлашган.
2. Моделлаштиришлар натижасида “КВИНТА” қурилмасининг ҳар бир уран цилиндридаги бўлиниш реакциялари миқдори ҳақида батафсил маълумот олинган. Битта 6 ГэВ энергияли дейтрон таъсирида қурилмада содир бўлган бўлиниш реакцияларининг йиғинди сони 51.3 га тенг ва ундан 14.9 бўлиниш юқори энергияли заррачалар ($E > 20$ МэВ) билан содир бўлади.
3. Илк бор кўрғошин ҳимоя билан ўралган табиий уранли йиғилма 2, 4 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар оқими билан нурлантирилган. Илмий тажрибалар вақтида ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I намуналари “КВИНТА” установада чап ёнидаги дарча ичига жойлаштирилган. 2, 4 ва 8 ГэВ энергияли дейтронлар таъсирида қурилмада ҳосил бўлган иккиламчи нейтронлар билан нурлантирилган ^{232}Th , ^{129}I ва ^{127}I намуналарида ўлчанган барча қолдиқ ядролар учун реакция тезлигининг қиймати тажрибада аниқланган. Натижаларнинг кўрсатишича дейтронлар энергияси ортганда деярли барча ҳосил бўлган ядролар учун реакция тезлигининг қиймати ҳам ортади. Афтидан бу ўсиш дейтронлар энергияси ортганда иккиламчи нейтронлар оқимининг ҳам ортиши билан боғлиқ.
4. ^{232}Th Намуналарида (n,γ), (n,бўлиниш) реакциялари учун тажрибада олинган қийматларнинг ҳисоблашлар натижаларига нисбати 0.72-1.36 оралиқда, ^{129}I ва ^{127}I намуналарида (n,γ), (n,xn) реакциялари учун эса 0.45-2.38 оралиқда топилган.
5. Илк бор 10-120 МэВ энергия оралиғидаги нейтронлар флюенси ^{127}I намуналарида (n,xn) остона реакцияларидан фойдаланиб аниқланган.

Олинган тажриба натижалари моделлаштириш натижалари билан етарлича мос келади.

6. ^{129}I радионуклидини $^{129}\text{I}(n,\gamma)^{130}\text{I}$ реакцияси ёрдамида трансмутация қилиш имкониятини тажрибада баҳолаш учун ҳосил бўлган ^{130}I изотопи миқдорининг ^{129}I миқдorigа нисбати аниқланган. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, ҳозирда мавжуд тезлаткичларда бўлиниш маҳсулотларини трансмутация қилиш орқали бартараф этиш имконсиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ,
АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ОБЪЕДИНЕННЫЙ ИНСТИТУТ ЯДЕРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ**

ХУШВАКТОВ ЖУРАБЕК ХАТАМОВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ВТОРИЧНЫХ НЕЙТРОНОВ С
ЯДРАМИ ^{232}Th , ^{129}I , И ^{127}I НА УРАНОВОЙ СБОРКЕ «КВИНТА»,
ОБЛУЧАЕМОЙ ДЕЙТРОНАМИ С ЭНЕРГИЕЙ 2, 4, 6, И 8 ГэВ**

**01.04.08 – Физика атомного ядра и элементарных частиц. Ускорительная
техника**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2018.1. PhD/FM186 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Институте ядерной физики АН РУз и Объединенном институте ядерных исследований (Дубна, Россия).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Юлдашев Бехзод Садыкович**
доктор физико-математических наук, профессор,
академик Академии наук Республики Узбекистан

Официальные оппоненты: **Муминов Толиб Мусаевич**
доктор физико-математических наук, академик
Киевицкая Анна Ивановна
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Институт теоретической и экспериментальной физики имени А.И. Алиханова Национального исследовательского центра «Курчатовский Институт», Москва, Россия**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/Г.33.01 при Институте ядерной физики, Астрономическом институте, Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100214, г. Ташкент, поселок Улугбек, ИЯФ; тел.: (+99871)289-31-41; факс: (+99871)289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (регистрационный номер ____), с диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100214, г. Ташкент, поселок Улугбек, НУУз. Тел. (+99871) 289–31–19).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 г.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2019 г.)

М.Ю. Ташметов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Э.М.Турсунов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

И. Нуритдинов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире электроядерные системы (Accelerator Driven System) признаны в качестве перспективных систем для трансмутации ядерных отходов и минимизации радиотоксичности отработанного топлива. Основная причина связана с их работой в подкритическом режиме, основанном на применении ускорителя в качестве внешнего источника. Наличие внешнего источника позволяет такой установке работать в подкритическом режиме, тем самым, обеспечивая более безопасные условия для трансмутации или выжигания долгоживущих продуктов деления и минор-актинидов. Природный уран и торий могут использоваться в качестве топливных материалов для электроядерных систем.

На протяжении многих лет в мире существует интерес к использованию ^{232}Th в качестве ядерного топлива, поскольку его в три-пять раз больше, чем натурального урана в земной коре. Ториевый реактор может работать за счёт деления ^{233}U , который образуется в результате поглощения нейтрона ядром ^{233}Th . Проблема состоит в том, что при использовании природного тория образуется недостаточное количество нейтронов для поддержания реакции деления, и поэтому необходимо обогащенное топливо (путем добавления плутония или ^{235}U). Такая же ситуация и с естественным ураном. В последние два десятилетия научные усилия в Объединенном институте ядерных исследований (г. Дубна) были сосредоточены на исследовании оригинальной концепции глубоко подкритических систем, основанных на ускорителях. Ядерные релятивистские технологии (ЯРТ) с сердечником из природного урана или тория предназначены для производства ядерной энергии и трансмутации отработанного ядерного топлива с использованием вторичного нейтронного поля с существенным вкладом быстрых нейтронов.

В нашей республике большое внимание уделяется фундаментальным и прикладным исследованиям в области таких приоритетных направлений ядерной науки, как внедрение ядерных технологий в науку и производство, безопасная ядерная энергетика и проблема утилизации радиоактивных отходов. Направления этих фундаментальных исследований и разработок, имеющих большое значение для развития науки нашей страны и их практического применения, отражены в Стратегии¹ действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы.

Исследования, проведенные в данной диссертационной работе, соответствуют задачам, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 2 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», УП-5484 от 19 июля 2018 года «О мерах по развитию атомной энергетике в Республике Узбекистан», Постановлениях Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 г.

Узбекистан ПП–3855 от 14 июля 2018 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» и ПП-3365 от 1 ноября 2017 года «О мерах по дальнейшему укреплению инфраструктуры научно-исследовательских учреждений и развитию инновационной деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день ведущими учеными международных научных центров проведен большой объем экспериментальных исследований в области управляемых ускорителями подкритических ядерных систем и в области трансмутации радиоактивных отходов, например, чешские (Адам И. и др.) и российские (Пронских В.С., Солнышкин А.А., Цупко-Ситников В.М.) ученые изучили взаимодействия вторичных нейтронов с ядрами ^{129}I и ^{127}I на массивной свинцовой мишени «ГЕНЕРАТОР» (17 кг свинца) при облучении протонами энергией 0.66 ГэВ. В последующем этой группой ученых выполнено исследование о возможности трансмутации радионуклида ^{129}I на массивной свинцовой мишени, окруженной урановым бланкетом «Энергия плюс трансмутация» (28.7 кг свинца, 206.4 кг урана) при облучении 0.7, 1, 1.5 и 2-ГэВными протонами. Этой же группой исследователей изучено взаимодействие вторичных нейтронов с ядрами ^{232}Th на мишени «Энергия плюс трансмутация» при облучении 1.6-ГэВ дейтронами.

Чешскими (Адам И., Катовский К.), индийскими (Бхатия Ч., Кумар В.), белорусскими (Хильманович А.М., Марцынкевич Б.А., Жук И.В., Потапенко А.С.) и российскими (Пронских В.С., Солнышкин А.А., Тютюнников С.И., Цупко-Ситников В.М.) учеными были измерены скорости реакций (n,f), (n, γ) и (n,2n) в ^{232}Th на свинцово-графитовой мишени «ГАММА-3» (34 кг свинца, 1230 кг графита) при облучении 2.33-ГэВными дейтронами. Австралийские ученые (Хашеми-Нежад Р.С., Асквит Н.Л.) измерили скорости $^{232}\text{Th}(n,\gamma)$ и $^{232}\text{Th}(n,f)$ реакций на этой мишени при облучении 1.6 ГэВными дейтронами.

Начиная с 2011 года впервые были проведены эксперименты с подкритической сборкой «КВИНТА», содержащей 512 кг природного урана. Было выяснено, что энергетический спектр и поток генерируемых нейтронов на подкритической сборке «КВИНТА» существенно отличается от энергетического спектра и потока нейтронов, генерируемых на указанных выше мишенях, и на перечисленных выше экспериментах не был определен поток быстрых нейтронов с использованием пороговых реакций $^{127}\text{I}(n,xn)$.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках проблемно-тематических планов и международного сотрудничества Объединенного института

ядерных исследований 02-1-1107-2011/2019 «Разработка и создание прототипа комплекса для радиотерапии и прикладных исследований на пучках тяжелых ионов Нуклотрона-М» (2011-2019) и научного проекта Института ядерной физики АН РУз ФА-Атех-2018-166 «Разработка основ подкритичного реактора на базе нейтронного генератора НГ-150 ИЯФ АН РУз» (2018-2019).

Целью исследования является определение скорости реакций на остаточных ядрах при взаимодействии вторичных нейтронов с ядрами ^{232}Th , ^{129}I и ^{127}I на урановой сборке «КВИНТА» при энергиях пучков дейтронов 2, 4, 6 и 8 ГэВ Нуклотрона ОИЯИ.

Задачи исследования:

выполнить критический обзор как ранее проведенных, так и современных экспериментов в рамках проектов по электроядерным системам;

принять участие в подготовке и проведении экспериментов с мишенью расщепления (spallation) на пучках дейтронов при энергиях 2, 4, 6 и 8 ГэВ;

провести измерения спектров гамма-излучения от облученных образцов методом спектрометрии с использованием HPGe детектора;

